O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 31 YANVAR ◆ PAYSHANBA ◆ №14 (26.873)

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ОЗОД ЮРТ ЙЎЛЛАРИ

ЙЎЛЛАР ВА КЎПРИКЛАР

ИККИНЧИ МАҚОЛА

VII. КАТТА ВА КИЧИК ЙЎЛЛАР

Бу йўллар
кўп қадим йўллардир...

Йўл, бу — тарих. Саховатли инсонлар ўз умрини сарфлаб, бу йўл тақдирларни, авлодларни бир-бирига боғласин, элимнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилсин, деган ниятда уни бунёд этадилар...

Йўл, бу — қисмат. Одам боласи дунёга келгач, атак-чечак қадам ташлаб, ўзига йўл очади, униб-ўсгач, жамиятдан ўз ўрнини топишга интилади. Шунинг учун ҳам инсон умрини «фалончининг ҳаёт йўли» деб атайдилар.

Ҳар биримизнинг ҳаёт йўлимиз, истаймизми, йўқми, мана шу катта йўлларга келиб туташади. У халқнинг, миллатнинг, мамлакатнинг бир бутунлигини таъмин этувчи, уни рўйи заминдаги умумҳаёт билан чамбарчас боғловчи тақдирнинг забардаст томирларидир. Бу — анчайин гап эмас, албатта. Ҳаётнинг ўзи йўлдан бошланади. Йўл инсонга ризқ ва насиба улашади, кишини кўзлаган манзилига олиб боради ва муродини ҳосил этади. Шарофатли йўллар халқни, миллатни тарихнинг шарафли манзилларига олиб чиқади.

Бугун Ўзбекистонимиз ҳам ўзининг азалий тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик йўлларини қайтадан инкишоф этаётир.

VIII. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Мустақиллик йилларида бизни дунёга, океанларга олиб чиқадиган кўпдан-кўп автомобиль ҳамда темир йўллар қурилди. Шунингдек, Ўзбекистон ТРАСЕКА, Буюк ипак йўли — 2000, РИНТО — ЭСКАТО лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, автомобиль транспортида халқаро йўловчи ташишни ўзаро тартибга солишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон пахта сотиш бўйича дунёда етакчи ўрин тутади. Савдо-сотиқ ишлари эса жаҳон бозорисиз олдинга силжимайди. Марказий Осиё давлатларини Эрон ва Туркия бандаргоҳлари орқали Италияга, ундан Европа ва дунё бозорига олиб чиқувчи янги Трансосиё йўналиши — Тажен — Серахс — Машҳад темир йўлининг 1996 йил 13 майда ишга туширилиши бу борада қўлга киритилган жиддий муваффақиятларнинг бири бўлди. Бевосита мамлакатимиз иштирокида бунёд этилган бу йўл Транссибирь магистралига нисбатан ҳам қулай, ҳам 1500 километр яқиндир.

Қозоғистон, Туркманистон ва Озарбойжон орқали Грузиянинг Поти ва Ботуми бандаргоҳларига чиқиб борадиган транспорт йўналишининг ишга туширилиши Ўзбекистон учун, шу жумладан, Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар учун дунё бозорига элтувчи яна бир қулай воситани юзага келтирди. Мазкур бандаргоҳлар Қора денгиз орқали Дунай дарёсига, темир йўллар орқали Ғарбий Европага, Босфор бўғози орқали Ўрта ер денгизига, ундан Атлантика океанига чиқиш имконини яратди.

1996 йилга келиб, Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларида узоқ хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қарийб 74 фоизни ташкил этган бўлса, бунда ҳеч шубҳасиз, мана шу йўлларнинг самараси беқиёсдир. Зеро, бу йўллар ҳамкорликка ва умумтараққиётга хизмат этмоқда. Мамлакатимизнинг биргина Транскавказ (Тошкент — Ашгабад — Бандер — Аббос) йўналиши бўйича Форс кўрфази орқали олиб ўтган экспорт-импорт юклари ҳажми 1996 йили 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, кейинги йили бу кўрсаткич 285 минг тоннага етгани фикримизнинг далилидир. Ушбу йўл очилгандан сўнг токи 1998 йилнинг сентябригача Ўзбекистон билан экспорт-импорт муносабатларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида 470 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 660 минг тонна ўта эҳтиёжталаб юклар ташилган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон жаҳон савдо транспорт ҳамкорлиги сари дадил қадам ташламоқда.

IX. МАҚСАД — ҚИТЪАЛАРАРО МАГИСТРАЛЛАР ЯРАТИШ

1995 йили Хитойда Қашғар — Эргаштом автомобиль йўли қурилиши ниҳоясига етди. Шу йилнинг ёзида, Ўзбекистонда не-не аждодларимиз орзу қилган улуғвор бир ишга қўл урилди, яъни Қамчиқ довонидан ўтувчи янги ер ости, ер усти йўл тармоғи қурилишига жадал суръатда киришилди.

«Бу қурилишнинг Эргаштом йўлига нима дахли бор?» — деб ўйларсиз, балки.

Гап шундаки, бу йўл пойтахтдан бошланиб, тоғлар, довонлар оша водийга, ундан Ўш ва Ўзганга чиқиб боради. У асосан Чотқол тоғ тизмаларидан, денгиз сатҳига нисбатан 2268 метр баланд бўлган довондан ўтган, шу боис бу йўл ниҳоятда серхатар ҳисобланган. Айниқса, ёғин-сочинли фаслларда селу жалалар, тоғ кўчкилари ва қор уюмлари йўловчи ҳаётига доимо таҳдид солиб турган, табиий офатлар гоҳо йўлни ювиб кетса, гоҳо транспортни босиб қолган. Шу боис қорли-қировли кунлар бошлангач, турли фалокатларнинг олдини олиш мақсадида довон йўли тақа-тақ ёпиб ташланган. Бу эса водийга олиб чиқувчи бошқа йўналишларда қатновни тиғизлаштириб қолмай, ортиқча қийинчилик ва исрофгарчиликлар келтириб чиқарган, яъни ҳайдовчилар қанчадан-қанча йўлни босиб, тоғли ҳудудни айланиб ўтишга мажбур бўлишган. Гарчи бу машаққат бир неча ўн йиллар мобайнида мунтазам такрорланса-да, уни бартараф этиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаган. Эҳтимол, шуни орзу қилган кишилар бўлгандир, аммо буни амалга ошириш имконияти бўлмаган, мустабид тузум бунга зиғирча рағбат ва эҳтиёж сезмаган.

Мамлакатимиз раҳбари тўқсонинчи йиллардаёқ Буюк ипак йўли, унинг таркибий қисми бўлган Қамчиқ довони ва бу ҳудуддаги йўл қурилишига алоҳида эътибор қаратиб, уни такомиллаштириш, жаҳон андозалари даражасига кўтариш масаласини кун тартибига қўяди. Бу бежиз эмас, албатта.

«Ўзбекистон Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар, шунингдек, Бухоро — Серахс — Машҳад — Карачи автомобиль йўлларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига ҳисса қўшган ҳолда қатнашишдан манфаатдордир, — деган эди Президент Ислом Каримов.— ***Бу йўллар Ҳинд океанига чиқишимизга имкон беради. Ушбу транспорт йўлидан фойдаланиш ЭКО — Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларига олиб борадиган йўлни уч баробар қисқартиради.***

Ушбу қитъалараро магистралларни вужудга келтириш ва йўлларнинг техникавий ҳолатини мустаҳкамлаш ниҳоясига етгач, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга ошириш учун қулай имкониятлар яратилади. Осиё, Тинч океани минтақаси мамлакатларидан, Ҳиндистон ва Хитойдан Яқин Осиё мамлакатларига, Туркияга, шунингдек, Европа мамлакатларига транзит юк ва йўловчилар ташишни кенгайтириш учун қулай имкониятлар очилади. Бундан ташқари, Буюк ипак йўлининг йўналишларига мос бўлган шундай коммуникациялар орқали дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан мунтазам маданий, сайёҳлик ва амалий алоқаларни йўлга қўйса бўлади».

Ҳа, бу қадимий йўл икки минг йилдан ошиқ вақт мобайнида Шарқ билан Ғарбни чамбарчас боғлаб турган. Етти иқлимдан оқиб келган савдо йўллари диёримизда кесишган. Карвонлар фақат шойи ва ипак, газлама ва қоғоз эмас, балки икки қутбдаги маънавий жавоҳирларни ҳам бир-бирига етказиб турган. Туяжорлар билан бирга дунё кезган олимлар тенгсиз кашфиётлар яратишган, сафарномалар, ўлмас жуғрофий, тарихий асарлар ёзиб қолдиришган.

Беқиёс маърифий аҳамиятга молик азалий ҳамкорлик йўлини яна қайта тиклаш учун энг аввало довон йўли замонавий андозаларда янгидан барпо этилиши лозим эди. Бу эса жуда катта маблағ, ўта замонавий техника ва юксак малакали мутахассислар бўлишини тақозо этарди. Шу ўринда тўқсонинчи йиллардаёқ Ўзбекистон йўлчиларининг 392 нафари етакчи хорижий компания ва лойиҳа институтларида, 412 нафари илғор техника ва технологиялар бўйича чет элларда ўз малакаларини ошириб келганини қайд этиб ўтиш жоиз, албатта. Ўзбекистон раҳбари жуда узоқни кўзлаб бу ишни амалга оширган. Қамчиқ довонидаги ер ости, ер усти йўл қурилишларида бу ўзининг амалий самарасини берди...

(Давоми 2-бетда)

АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Афғонистон Ислом Давлати муваққат маъмурияти раҳбарининг ўринбосари, режалаштириш вазири Ҳожи Муҳаммад Муҳаққиқ бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф давомида Афғонистон делегацияси вакилларининг республика Вазирлар Маҳкамасида учрашувлари, қишлоқ хўжалик ва соғлиқни сақлаш вазирликларида, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясида музокаралари бўлиб ўтди.

Афғонистон делегацияси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди ва бу ерда ташқи сиёсий фаолият бўйича ҳамкорлик истиқболлари хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Музокаралар чоғида кенг қамровли йўналишлар, хусусан, эски автомобиль йўлларини таъмирлаш ва янги йўллар қуриш, Афғонистонга Ўзбекистондан борадиган транзит юкларни ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, наркотик моддаларни етиштириш ва тарқатишга қарши ҳамкорликда курашиш, ўзбек мутахассислари томонидан Афғонистонга электр энергияси ва иншоотларини етказиб бериш, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, ирригация соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш, республика олий ўқув юртларида афғонистонлик талабаларни ўқитиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон томони Афғонистонни тиклаш жараёнида иштирок этишга умид билдирди.

Музокаралар ниҳоясида томонлар турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича Қўшма баёнотни имзолашди.

Учрашувда Афғонистон томони афғон халқига оғир дамларда улкан ёрдам кўрсатгани учун Ўзбекистон халқига, мамлакат Президентига миннатдорлик билдирди. «Айнан Ўзбекистон ва унинг раҳбари узоқ йиллар давомида халқаро ҳамжамиятни бизнинг мамлакатимиздаги аҳволга эътибор қаратишга, халқаро терроризм балосига қарши курашда саъй-ҳаракатларни ўзаро бирлаштиришга чақириб келди», деб таъкидлади Ҳожи Муҳаммад Муҳаққиқ.

■ **«Жаҳон» АА**

BU DUNYONING ISHLARI

ЯНА БИР ТЕРРОРЧИЛИК

Исроилда навбатдаги террорчилик ҳаракати содир этилди. Бунинг натижасида мамлакат хавфсизлик хизматининг икки ходими ҳалок бўлди. Хабарларга қараганда, кўпорувчилик камикадзе томонидан амалга оширилган. Айни пайтда мазкур ҳодиса юзасидан текширув ўтказиляпти.

АНЖУМАН НЬЮ-ЙОРКДА ЎТАДИ

Жаҳон иқтисодчиларининг ҳар йили Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказиладиган анжумани бу гал 31 январь куни Нью-Йоркда бўлиб ўтади. Анжуман ташкилотчиларининг бундай йўл тутиши 11 сентябрь куни АҚШда содир этилган қўпорувчиликка маълум маънода жавоб бўлмоқда, дейиш мумкин.



Давос анжуманининг асосчиси ва доимий раҳбари Клаус Швабнинг таъкидлашича, кейинги ўттиз йил ичида анжуман илк бор бошқа шаҳарда ўтказилмоқда. Келаси йили у яна Давосга қайтади. Ташкилотчиларнинг айтишича, анжуман бежиз Нью-Йоркда ўтаётгани йўқ. Бу нью-йоркликларга руҳан мадад бериш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ҳозирдан мазкур анжуман жуда қизиқарли ва самарали ўтиши башорат қилинмоқда. Унда уч юздан ортиқ таниқли сиёсатчи, жумладан, ўттиздан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этади. Нью-Йорк анжуманининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда ислом дунёси вакиллари, айниқса, Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай ҳам қатнашиши кутилмоқда.

Анжуман кун тартибидан халқаро ҳамжамиятни ташвишга солаётган бир қанча муҳим масалалар ўрин олган. Жумладан, қашшоқликни тугатиш, дунё миқёсидаги иқтисодий турғунликни бартараф қилиш, бошқарув тизимларини такомиллаштириш, иқтисодчилар ҳамжамиятида ва умуман, одамлар орасида келажакка ишончни кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинади. Табиийки, террорчиликка қарши кураш масаласи ҳам асосий мавзулардан бўлади.

ТАЛАБАЛАРГА ИМТИЁЗ

Кеча Россия Федерация Кенгаши «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Таълим тўғриси»даги қонунларнинг янги таҳririни қабул қилди. Ушбу қонун ҳужжатларида мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг муқобил ҳарбий хизматга чақирилиши хусусидаги ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилган.



Унга кўра, эндиликда касб-ҳунар таълим муассасалари талабалари 20 ёшга тўлмагунича ҳарбий хизматга жалб қилинмайди. Шунингдек, олий ўқув юртларининг кундузги бўлим талабалари ҳамда иккинчи олий маълумот олмоқчи бўлганлар ҳарбий хизматга чақирилишни 3 йилгача кечиктириши мумкин.

КУРАШ ҚИТЪАЛАР ОША ОДИМЛАЯПТИ

Халқаро кураш ассоциацияси жорий йилда қатор нуфузли турнир ва мусобақалар ўтказишни режалаштирган. Унинг 4 қитъада тузилган федерациялари орасида мусобақаларга мезбонлик қилиш таклифини билдираётганлар талайгина. Албатта, йил давомида ўтказиладиган энг катта анжуман бу — кураш бўйича IV жаҳон чемпионатидир. Маълумки, бу йирик турнир шу йилнинг 5-8 сентябрь кунлари Арманистоннинг Ереван шаҳрида ўтказилади. Ушбу жаҳон чемпионатининг олдингиларидан қатор фарқли томонлари бор. Жумладан, чемпионат мамлакатда катта спорт байрами тусини олади. Бунинг учун ҳозирданоқ саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган ташкилий йиғилишда ХКА ва Арманистон кураш федерацияси вакиллари журналистларга юқоридагиларни маълум қилишди.

— Чемпионатни кўтаринки руҳ ва халқаро талаблар даражасида ўтказилишини таъминлаш мақсадида хорижий полвонларга барча қулайликлар яратиб берилади,— деб таъкидлади Арманистон кураш федерацияси президенти Алекс Авестисян. — Ўйлайманки, чемпионат доирасида режалаштирилган маданий дастурлар қитъалараро дўстликнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшади.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ**

Тошкент. 2000 йилнинг 3 ноябри. Гавҳар ва ал-Хоразмий кўчаларини боғловчи муаззам кўприкнинг очилиш маросими.

ОЗОД ЮРТ ЙЎЛЛАРИ

ЙЎЛЛАР ВА КЎПРИКЛАР

ИККИНЧИ МАҚОЛА

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

X. ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕГРАЦИЯ МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ

Ўтиш даврининг машаққатли йилларида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни тўғридан-тўғри океанга олиб чиқадиган йўли йўқ эканидан афсусланиб, халқаро коммуникацияни ривожлантириш биз учун сув билан ҳаводай зарур дея қайта-қайта таъкидлагани ҳар биримизнинг ёдимизда. Ўшанда айрим кишилар: «Мустақил бўлсак, бас, бизга коммуникациянинг нима кераги бор?» — деб ўйлаган бўлиши ҳам мумкин. Мана, шундан буён ҳам қарийб ўн йилча вақт ўтди, лекин масаланинг моҳиятини англаб етиш учун бу фурсат камлик қилади. Нимага деганда, биз ҳар бир масалага асосан шахсий манфаатимиз нуқтаи назаридан қарашга, дунёни ўз қаричимиз билан ўлчашга одатланиб қолганмиз.

Ҳолбуки, ҳар бир фуқаронинг манфаатлари мамлакат имкониятларидан келиб чиқиб таъмин этилади. Турмушни фаровон этишда Ўзбекистонга чексиз имконият яратадиган омиллардан бири асосан йўлдир. Бу имкониятдан унумли фойдаланиш учун эса узоқни кўра билиш, сарҳисоб ва ақл-заковат, шу билан бирга Ватанга муҳаббат ва унинг келажаги йўлида фидойилик талаб этилади.

1993 йилнинг май ойида Брюссель шаҳрида Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари, Европа Иттифоқи давлатлари жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ғарб ва Шарқни боғловчи Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўналиши — ТРАСЕКАни барпо этиш масаласини кўриб чиқиб, декларация қабул этишди.

Бугун дунё тараққиёти автомобиль йўллари, темир йўл ва ҳаво йўлларида узвий ҳамкорликни такомиллаштириш билан бирга маънавий-маърифий алоқаларни изчиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўтган йиллар ичида шу эзгу мақсад йўлида кўпдан-кўп ишлар амалга оширилганига барчамиз гувоҳмиз. Зеро, бизнинг орзу-интилишимиз — интеграция марказига айланишдан иборатдир. Чунки бу, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг чексиз имкониятларидан бирини рўёбга чиқариб қолмай, унинг жуғрофий-стратегик мавқеини янада жозибадор этади.

XI. ҚАМЧИҚДАГИ МУАЗЗАМ БУНЁДКОРЛИК

«Қитъалараро магистралларни вужуд келтириш ва уларнинг техникавий ҳолатини мустаҳкамлаш Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга ошириши учун қулай имкониятлар яратади», — дея уқтиради Президент Ислом Каримов. Шу мақсадда 1994 йили Қамчиқ довонидан ўтувчи янги магистрални лойиҳалаш ишларига киришилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Қамчиқ ва Резак довонларигача бўлган йўл эркин ҳаракатни таъмин этадиган даражада текисланиши, ўттиз метр кенгликка эга бўлиши, довонда эса ер ости йўллари бунёд этилиши лозим эди. Шундан келиб чиқиб, саксон километрлик масофада жами 18 миллион 821 минг куб метрлик тупроқ ишлари бажарилиши, 300 га яқин сунъий иншоотлар яратилиши кўзда тутилган.

Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона вилоят автомобиль йўллари бирлашмалари йўлчилари ҳамжиҳатлик билан ишга киришдилар. Кейинчалик уларга қирғизистонлик, қозоғистонлик туннел қурувчилар шерик бўлишди. Тоғни кесиб йўл очиш, яна жаҳон андозалари даражасидаги магистраль яратиш нечоғлик оғир ва серхаражат иш эканини кеча-ю кундуз тиним билмай довонда бунёдкорлик билан банд бўлган ишчилар жуда яхши билишади. Йўлнинг шинам ва равон чиқишига монелик қилган, эрта бир кун яна хавф-хатар туғдириши мумкин бўлган тоғ ўркачлари, қоялар бурғулаш ва портлатиш орқали қулатилди. Тошлар суриб, сойликлар текисланди. Сел, қор-ёмғир оқовалари тўпланувчи сунъий ўзанлар яратилди, сувнинг сойга оқиб тушиши учун шарт-шароит яратилди, қувурлар ётқизилди. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида йўл четига темир-бетон тўсиқлар ўрнатилди. Жар ва сойликлар устига кўприклар солиниб, айланма йўллар бартараф этилди. Шу билан бирга тоғ ён бағирларида кўчкилар ҳосил бўлиши олдини олувчи «муҳофаза» тўсиқлари ясалди.

Ҳозир ҳаво очиқ бўлса, ҳайдовчилар 400 метргача бўлган масофани аниқ-равшан кўра олишади, чунки мана шунга тўла имкон яратилган. Муайян жойларда йўл четларида тош девор билан ўралган махсус тўхташ майдончалари барпо этилган. Уларнинг эни 8 метр. Узоқ йўл юриб толиққан ҳайдовчи автоуловни шу майдончага қўйиб, нафас ростлаши учун барча шарт-шароит муҳайё.

Йўл ҳамиша тасодифларга тўла бўлади. Гоҳо нимадир ишдан чиқади. Қияликда транспорт ҳайдовчига итоат этмай қолади. Шундай вазиятда ҳалокатнинг олдини олиш учун қўшимча йўлаклар барпо этилган. Бу йўлаклар бетига қум қатлами тўшалган. Ҳайдовчи машинани мана шу йўлакка ўтказса, бас, у табиий равишда ўз тезлигини йўқотади ва тўхтайди.

Бир вақтлар довондаги хатарли йўлдан ўтишга мажбур бўлган ҳайдовчилар ҳозир бу ҳудуддан қандай ўтиб кетишганини деярли сезишмайди, чунки умумий узунлиги 2484 метр бўлган ер ости йўллари кафтдек текис ва равон. Бу ҳудудда бунёд этилган тўртта туннелнинг дастлабки иккитаси 1072 метр масофани қамраб олган, кейинги жуфти эса — 412 метр.

Ер ости йўлларининг ҳар бирида, бир вақтнинг ўзида автоуловлар уч сафга тизилиб юриши мумкин. Бир вақтлар довондан ўтиш учун қарийб тўрт соат сарфланган бўлса, ҳозир бу ҳудуд бир-бир ярим соат ичида босиб ўтилмоқда.

Бу айтишга осон, албатта, аммо уни амалга ошириш осон эмас, бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Тасаввур қилинг, ер ости йўллари қазиб бўлингач, уни текислаш учун 196 минг куб метр қум, 212 минг куб метр шағал, 4500 куб метр темир-бетон маҳсулотлари сарфланди, 32600 тонна асфальт ётқизилди. Тоғ шароитида бу ишларни бажариш учун иккита бетон қориштириш, асфальт тайёрлаш цехлари барпо этилди.

Ер ости йўлларига ёнғинга қарши ускуналардан тортиб радио-телефону теленазорат жиҳозларгача ўрнатилган. Улардаги ҳаракатни тартибга солиш ишлари компьютерлаштирилган, йўлнинг ҳар бир қаричи видеокамералар орқали кузатиб турилади. Рўй-рост айтадиган бўлсак, бундай мўъжизавор тоғости иншооти ер юзида ҳам камдан-кам учрайди.

1998 йилга келиб, иш кўлами ниҳоятда кенгайди, шунинг учун «Автойўл» концерни қошида Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш Бош бошқармаси ташкил этилди.

XII. БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ УЛУҒВОР ИШЛАР

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимидаги мавқеи, унинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожи мамлакатимиздан транзит юкларнинг қанчалик кўп олиб ўтилишига бевосита боғлиқдир. Темир ва транспорт йўлларининг такомиллашиши, денгиз йўлларига чиқишнинг ўнғай бўлиши дунё савдосида тутадиган мавқеимизни белгилаб қолмай, келажак тараққиётимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Қамчиқ довонидаги улуғвор қурилишдан водийга транспорт қатновини яхшилаш билан бирга улкан стратегик мақсадлар ҳам кўзда тутилган, зеро, бу — халқаро аҳамиятга молик магистралдир. У Андижон, Ўш орқали Хитойнинг Шинжон вилоятига, ундан эса Қашғар орқали Тинч океанига, ундан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига, шунингдек, Қирғизистон, Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Ҳинд океани ва араб мамлакатларига, Ғарбдан эса Туркманистон, Кавказ, Эрон ва Туркия орқали Ўрта ер денгизига чиқиш имконини беради, савдо-сотиқ, иқтисодий, маданий ҳамкорликка, халқларни бир-бирига яқинлашишига хизмат қилади.

Буюк ипак йўлидаги бу улуғвор қурилишнинг биринчи навбати, маълумки, 2000 йил, истиқлол байрами арафасида ишга туширилди. Қурилиш ишлари тарихда биринчи марта йўл ҳаракати тўхтатилмаган ҳолда амалга оширилди.

Қамчиқ ва Резак довонларида ер ости йўллари бунёд этишда, янги йўл қурилишида тўрт ярим минг кишилик қурувчилар жамоаси меҳнат қилишди. Улар 27 миллиард сўмлик иш бажаришди. Замонавий магистраль барпо этишди. Ер ости йўллари очилишига бағишланган тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этиб, бундай равон йўллар мамлакатимиз тараққиёти учун беқиёс стратегик аҳамият касб этишини уқтирар экан, ***«Бугунги кунда бир кеча-кундузда 17 минг автомобиль, қарийб 150 минг йўловчи ўтаётган бу трансконтинентал йўл қайта тикланаётган Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини, кўплаб халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолиши шубҳасиз»,*** — дея таъкидлади.

Ҳозир бу замонавий йўл Европа ва Форс кўрфази мамлакатларидан Осиёга қатнаётган оғир ва енгил автомобиллар ҳаракати учун ниҳоятда ўнғайлик яратгани қайта-қайта таъкидланмоқда. Булар барчаси улуғвор ишнинг бошланиши, холос. Бу йўл бўйларида ҳозир кўзни қувонтирадиган инфратузилмалар юзага келаётир. 2010 йилга бориб мамлакатимиз ҳудудидан 14 миллион тонна юк олиб ўтилиши кутилмоқда...

Истиқлол даврида 727 километр янги йўллар, 200 километр нефть ва газ конларига элтувчи йўллар барпо этилди, 1435 километр автойўллар қайта қурилиб, юқори туркумга ўтказилди. Жами 104016 километр масофадаги йўллар таъмирланди. 3954 та янги автопавильон, 8765 километр пиёдалар йўлкаси қуриб фойдаланишга топширилди. Фақат 2000 йилда йўлчилар мамлакатимиздаги жами йўлларнинг 13799 километрини таъмирдан чиқаришди, саккизта янги, муҳташам кўприк бунёд этишди, 902 километр пиёдалар йўлкаси, 347 та янги ва замонавий бекатлар барпо этилди. Жами 460 дона 12812 пагон метр кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилди.

Кўприк ҳақида гап кетганда, бир масалага эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Нукус — Хўжайли автойўлини туташтирувчи янги кўприк 3600 пагон метр. Албатта, Амударё узра уни бунёд этиш осон кечмаган, аммо мана шу кўприк Нукус ва Хўжайли орасидаги масофани 20 километрга қисқартириб қолмай, ҳар йили ўртача 9125 тонна ёқилғи тежалишига замин яратмоқда.

Ҳозир мамлакатимиздаги 43467 километрлик умумфойдаланишдаги автойўллардан йилнинг барча фаслларида, ҳар қандай об-ҳаво шароитида хавф-хатарсиз юк ва йўловчи ташиш таъминланадиган шарт-шароит яратилди.

XIII. ЙЎЛ — ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИДИР

2294 километр узунликда бўлган, транспорт воситаларининг катта тезликда ҳаракат қилишини таъмин этадиган Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот ўзбек миллий автомагистрали қуриб битказилгач, шоҳйўлнинг икки четида 300 дан ортиқроқ иншоотлар, ўнлаб меҳмонхоналар, замонавий кемпинглар, мотеллар, карвонсаройлар, техник хизмат кўрсатиш ва ёнилғи қуйиш шаҳобчалари бунёд этилади. Бу — мана шу ҳудудда истиқомат қиладиган юз минглаб инсонлар ҳаётида беқиёс ўзгариш бўлади, деган гапдир. Содда қилиб айтганда, минг-минглаб янги иш ўринлари очилади, кишилар янги касб-ҳунарларни ўзлаштиришади, шунинг орқасидан ўз ҳаётини ташкил этади, турмушини фаровонлаштиради.

Аср қурилиши дея таърифланаётган бу шоҳйўл Осиё — Европа трансконтинентал транспорт йўналишини ташкил этади.

Мамлакатимизни Европа билан боғловчи яна бир йўналиш — Қўнғирот — Бейнов автомобиль йўлидир. Аллақачон қурилиш ишлари бошлаб юборилган бу йўл 300 километр масофага чўзилади ва Россия ҳудудини кесиб ўтади.

Ўзбекистоннинг барча автомобиль ва темир йўллари Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, ТАСИС ва ТРАСЕКА, ЭСКАТО ва ГУЎАМнинг юк ташиш, техник ёрдам кўрсатиш лойиҳа ва дастурларига алоҳида аҳамиятга молик йўналишлар сифатида киритилганки, бу мамлакатимизнинг Осиё минтақасидаги транспорт магистраллари маркази сифатида эътироф этилганидан далолат беради.

Ўзбекистон ТИР — Халқаро транспорт тизими аъзосидир, бу ташкилотга аъзо бўлган 57 мамлакатнинг юк ва енгил машиналари ўзаро келишилган меъёрий ҳужжатлар асосида бир-бирининг ҳудудида эркин ҳаракат қилади.

Ўзбекистонимиз дунё давлатлари билан иқтисодий, транспорт, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга, эркин савдо ва транспорт транзит имкониятларидан юрт салоҳиятини ошириш йўлида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб, транзит мамлакатига айланиб бормоқда.

Дунё қутбларини бир-бирига туташтирган кенг ва равон йўллар доимо ўзида тараққиёт рамзини ифода этган.

Агар биз масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, қадимий Буюк ипак йўли қайта тикланиб, бугун тараққиёт «маятниги»ни яна Шарққа томон оғдираётганига гувоҳ бўламиз.

Тараққиёт тижорат ишларидан куч олади, тижорат эса юк ташувчи уловларсиз, уловлар магистрал йўлларсиз ҳаракат қила олмайди. Шу маънода йўллар иқтисодиётнинг асосий қон томирларидир.

Дунё азалдан шунга таянган. Бугун Ғарб билан Шарқни боғловчи буюк савдо йўлларига асос солинган экан, ҳеч шубҳасиз, диёримизга у қут-барака олиб келади ва бизни тараққиёт марраларига элтади.

XIV. ХУЛОСА ЎРНИДА

Ўзбекистонимиз ҳаётидаги улуғвор ишлар олмос қирралари янглиғ сержилодир. Биз унинг бир қиррасига, йўл қурилиши билан боғлиқ айрим тафсилотларга тўхталдик, холос. Бу соҳанинг ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган бошқа жиҳатлари беҳисоб. Қаранг, автомобиль йўллари, деймиз, темир йўллар-чи, ҳаво йўллари-чи, бу тармоқларда амалга оширилган беқиёс ишлар-чи? Бугун улардан келаётган самара ва минглаб янги иш ўринлари-чи?

Иқтисодиётимизнинг ўзагини ташкил этаётган бу ишларнинг барча-барчаси Президент Ислом Каримов ўша оғир йилларда жуда узоқни кўзлаб қатъият билан бошлаган сермашаққат ишларнинг амалий натижасидир.

Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу она заминимизни янада кўркам, янада обод ва янада қудратли ҳолатда қабул қилиб олсин деган қутлуғ ниятда амалга оширилаётган бу кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг биз билган ва биз билмаган ўзига хос тарихи мавжуд, албатта. Биз кейинги мақолаларимизда шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

■ **Ғаффор ҲОТАМОВ**

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲБАРЛИГИДА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР:

1. 1989 йилнинг 7 августида йўл қурилиши ва маҳаллий йўлларни таъмирлашга маблағ ажратиш ҳақида ҳукумат қарори имзоланди.

2. 1989 йилнинг 5 сентябрида Автомобиль йўллари вазирлиги қайта тикланди.

3. Давлатимиз раҳбари 1991 йилнинг 13 декабрида ҳамкорликда Тажен — Серахс йўлини қуриш ҳақидаги битимга имзо чекди.

4. 1992 йилнинг майида Шарқнинг етти мамлакати раҳбари Ашғабатда Тажен — Серахс — Машҳад (Трансосиё) йўлини ҳамда Истанбул — Теҳрон — Исломобод — Ашғабат — Тошкент — Бишкек — Олмаота халқаро автомобиль йўлини барпо этиш ҳақида битим туздилар.

5. 1992 йилнинг 3 июлида Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан «Автомобиль йўллари тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

6. 1993 йилнинг 26 январида Президент «Ўзбекистон Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни — «Автойўл» ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори асосида 6 та мамлакат аҳамиятига молик корхона, 13 та ҳудудий, 226 та туман йўл қуриш ва фойдаланиш бошқармалари ташкил топди.

7. «Ўзавтойўл» концерни Халқаро йўл конгресси, Халқаро йўл федерацияси, Бутунжаҳон йўл асссоциацияси, Мустақил давлатлар йўл кенгашига аъзо бўлди.

8. 1995 йил Германиянинг Штутгарт шаҳрида «Ипак йўли мероси: Ўзбекистон» кўргазмаси бўлиб ўтди.

9. Ўзбекистон Жаҳон йўл ҳаракати, Халқаро йўлларда юк ташиш, Чегараларда юкларни назоратдан ўтказиш каби қатор халқаро конвенцияларга аъзо бўлди.

10. 1996 йил Вазирлар Маҳкамаси «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлининг Қамчиқ ва Резак довони участкаларини тоннеллар қурган ҳолда реконструкция қилиш ва қуриш ишларини жадаллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

11. 1997 йили Тошкентда жаҳон йўл муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда БМТнинг, дунёдаги нуфузли мамлакатларнинг вакиллари иштирок этишди.

12. 1998 йилнинг 28 сентябрида Вазирлар Маҳкамаси «Йўл хўжалигини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

13. 1999 йили Тошкентда Буюк ипак йўлини тиклаш ва ривожлантириш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди.

14. 1999 йилнинг 18 августида Вазирлар Маҳкамаси «Автотранспорт воситаларининг катта тезликдаги ҳаракатини таъминловчи Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот автомагистрали қурилишини лойиҳалаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

15. 1999 йилнинг 20 сентябрида Буюк ипак йўлини тиклаш бўйича Халқаро йўл федерациясининг Тошкент анжумани бўлиб ўтди.

16. 2000 йил, Брюссел шаҳри. Нуфузли халқаро ташкилотлар ишида фаоллик кўрсатгани учун Ўзбекистон йўлчилари Европа Иттифоқининг юксак мукофотига сазовор бўлдилар.

17. 2001 йилнинг мартида «Ўзавтойўл» концерни фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Чиноз ва Бекобод қурилиш материаллари комбинатлари базасида «Чинозйўлиндустрия» ҳамда «Бекободйўлиндустрия» корхоналари ташкил этилди.

18. 2002 йилга келиб, йўл қурилиши соҳасида 30 мингдан зиёд ишчи ва мутахассислар, муҳандислар хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг автомобиль йўллари тармоғи 146347,6 километрни ташкил этди. Умумий фойдаланиш йўллари — 43467 километр. Шундан 3237 километри халқаро аҳамиятга, 18772 километри давлат аҳамиятига, 21458 километри маҳаллий аҳамиятга моликдир. Йўлларни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги ўсиш 1991 йилга нисбатан олганда 727 километрни ташкил этди. Ўтган давр ичида 1435 километр йўл қайта қурилди, 460 та замонавий кўприк, 8765 километр масофада эса пиёдалар йўлаклари, 3954 та янги автопавильонлар барпо этилди.



Қамчиқ довони

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Оққўрғон туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ҳ. Давлатов, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, партия туман кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди, «Наврўз» жамғармаси туман бўлими раҳбари вазифасида ишлаб келган М. Турдибоева ХДП Оққўрғон туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида туман ҳокими А. Деҳқонбоев ва ХДП Тошкент вилоят кенгашининг иккинчи котиби Н.Тоиров сўзга чиқдилар.

✧✧✧

ХДП Қамаши туман партия кенгаши ва туман хотин-қизлар кенгашининг қўшма пленумида «Миллий истиқлол мафкурасини тарғибот қилишда партия ва хотин-қизлар ташкилотларининг вазифалари ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Шунингдек, пленум қатнашчилари Олий Мажлис депутати, туман марказий касалхонасининг бош шифокори А.Ғафуровнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ етинчи сессиясида кўрилган масалалар юзасидан маърузасини тингладилар.

✧✧✧

ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия бюросининг, партиядан Жўқорғи Кенгесга сайланган депутатлар иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Жўқорғи Кенгес депутати, Нукус шаҳри истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшмаси раиси Т.Тулеповнинг ўз депутатлик вазифаларини бажариш амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Йиғилиш қарорида Т.Тулепов ўз депутатлик фаолиятида Ўзбекистон ХДП дастурий ғояларини тарғиб қилиш, Олий Мажлис, ҳукумат қарорларини аҳолига етказиш борасида ибратли ишлар олиб бораётганлиги таъкидланди. Шунингдек, депутат аҳолининг тоза ичимлик суви, озиқ-овқат, газ, электроэнергия билан таъминланиши борасида юзага келган айрим муаммоларни тезкор ҳал этишда маҳаллий давлат идоралари билан ҳамкорлик қилмоқда.

✧✧✧

Партия Хоразм вилоят кенгашининг тарғибот-ташвиқот гуруҳи Урганч шаҳри маҳаллаларида, «Икки палатали парламент: жаҳон андозалари ва тажрибаси» мавзуида учрашувлар ўтказди. Унда Олий Мажлис депутати,Урганч давлат университети ректори, академик А.Саъдуллаев, ХДП Хоразм вилоят кенгаши аъзоси, мазкур университетнинг иқтисодиёт факультети декани, иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Рўзметов, Урганч шаҳри ҳокимининг ўринбосари М.Полвонова икки палатали парламент назариёти ва амалиёти хусусида аҳолини хабардор қилдилар.

✧✧✧

Партия Бухоро вилоят кенгашининг, Ўзбекистон ХДПнинг «Экологик дастури» муҳокамасига бағишланган, ижроия бюроси йиғилишида партиянинг бу йўналишдаги фаолияти юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Унда ХДП шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котиблари, ХДПдан сайланган бир гуруҳ депутатлар иштирок этдилар. Шунингдек, йиғилишда вилоят партия ташкилотларининг мафкуравий фаолияти, партия нашрларига обунанинг якуни ва бошқа ички партиявий масалалар кўриб чиқилди.

✧✧✧

ХДП Қўқон шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши «Икки палатали парламентга ўтиш — давр зарурияти» мавзуига бағишланди.

✧✧✧

Ўзбекистон Республикаси парламентини ислоҳ қилиш, икки палатали парламентга ўтиш масалалари ХДП Тошлоқ, Бешариқ туман кенгашлари бошланғич ташкилотлари котиблари йиғилишларида муҳокама қилинди.

✧✧✧

Зарбдор туман партия кенгаши Олий Мажлиснинг еттинчи сессияси қарорларини ўрганиш юзасидан тарғибот-ташвиқот гуруҳини ташкил этган. Тарғибот гуруҳи, «Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократиянинг янги босқичи» мавзуида савол-жавоб кечалари, мулоқотлар уюштирмоқда.

✧✧✧

ХДП Наманган шаҳар кенгашида партиядан сайланган депутатлар гуруҳи йиғилиши ўтказилди. Мулоқот чоғида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид масалаларга депутатлар гуруҳининг нуқтаи назари шакллантирилди.

✧✧✧

Халқ депутатлари Жондор туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳининг 2002 йил иш режасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Шунингдек, йиғилишда 2-Зарафшон сайлов округи депутати А. Бобоеванинг сайловчилар ўртасида олиб бораётган фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди, мазкур Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан депутатлар гуруҳининг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

✧✧✧

Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг, ХДП Тахтакўпир туман кенгашида бўлиб ўтган, семинарида «Қарияларни қадрлаш йили»да амалга ошириладиган ишлар режаси белгиланди.

✧✧✧

ХДП Деҳқонобод туман кенгаши, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда, «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан, «Чалика» маҳалласида мулоқот ташкил этди. Мазкур учрашув дастурхони атрофида кекса отахонлар суҳбат қурдилар. Маҳалла аҳли 100 ёшни қаршилаётган Эшдавлат ота Мусировни қизғин муборак этди. Мулоқот сўнггида туман партия кенгаши биринчи котиби А.Норбоев, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси А.Абдураҳмоновлар маҳалла кексаларига эсдалик совғаларини топширдилар.

✧✧✧

Сайхунобод туман кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда, «Сизни Ватан кутмоқда», «Соғлом экология учун» мавзуларида, «Шўрузак», «Пахтакор», «Ўзбекистон», «Ғалаба», «Янгиобод» ширкатлар уюшмалари ёшлари орасида суҳбатлар ўтказди.

✧✧✧

ХДП Косонсой туман кенгаши тумандаги иқтисодиёт коллежи талабалари ўртасида «Баркамол авлод орзуси» асари асосида китобхонлар конференциясини ўтказди.

✧✧✧

Кегайли касб-ҳунар коллежи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти «Тилга эътибор — элга эътибор» деб номланган кеча уюштирди. Кечада ХДП Кегайли туман партия кенгаши биринчи котиби Е. Хожанов, «Кегейли турмысы» газетаси муҳаррири Ж. Моянов, мазкур коллеж ўқитувчиси Т. Қурбониёзова, талаба П.Сержановлар сўзга чиқдилар. Тадбир талаба ёшларнинг мусиқий дастури билан якунланди.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Гурлан туман кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда, «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида юқори синф ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича мусобақа ўтказишга бош-қош бўлди. Ушбу тадбирда туман партия кенгаши қошида тузилган ёшлар шахмат клуби қатнашчилари ғолиб чиқдилар. Уларга Гурлан туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

«ТЕЗ ЁРДАМ» МАРКАЗИ

Амударё тумани маркази ва овулларида касалхона, поликлиника, овул шифокорлик пунктлари таъмирланиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилашда барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Туман марказий касалхонаси жамоаси ҳашар йўли билан «тез ёрдам» марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Ташаббусни туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади.

— Шошилинч ёрдам кўрсатиш марказининг ишга туширилиши, — деди туман марказий касалхонасининг бош шифокори Олимбой Халилов, — беморларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини бермоқда.

Марказга тажрибали шифокор О.Шамуродов раҳбарлик қилмоқда. Жарроҳлик, даволаш, реанимация, неврология, пульмонология ва бошқа бўлимлар мавжуд.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

КЕКСАЛИКНИНГ КЎНГЛИ ГУЛ

Куни кеча Тошкент шаҳар Сирғали тумани Қўйлиқ ҳудудидаги Қўшқўрғон, Маданият, Обод, Абдураҳмон Жомий ҳамда Абдураҳим Шерматов номидаги маҳалла маъмуриятлари бир ёқадан бош чиқариб «Эъзоз давраси»ни ташкил этдилар. Юзкўзларидан файз ёғилиб турган маҳалланинг улуғлари ёшлар клубига шу қадар яраширди, ўша куни қанча эзгу сўз, қанча яхши ниятлар тўкилди бу масканга. Зеро, дуо олтиндан азиздир. Кексаларга иззат-икром кўрсатилди, ёшлар хизматда бўлди. Бир пиёла чой устида ош тортилди.

Туман ҳокими Раҳимжон Рўзимуҳамедов меҳмонларга мурожаат этар экан, «Биз сиз азизларга бор меҳримизни, куч-ғайратимизни бағишлашга тайёрмиз, чунки ҳаётимиз фаровонлиги, турмушимиз тўкинлигию рўзғоримизнинг бутлиги сизнинг кайфиятингизда акс этади», — деди.

Кечада Ўзбекистон телевидениеси «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг муҳаррири Мавжуда Турсунова, таниқли режиссёр Мираббос Мирзааҳмедов, актёр Шерали Ҳожиев, шоира Зулфия Маъруфова ҳамда «XXI аср маликаси» кўрик-танловининг совриндори Камола Эрматова, шунингдек, «Ёғду». «Хуршид», «Ёшлик» гуруҳлари ўз санъатларини намойиш этиб, кексаларни хушнуд этдилар.

Қувончлиси, ўша истеъдодларнинг барчаси юқоридаги маҳаллаларнинг фарзандлари — фуқароларидир. «Эъзоз давраси» Сирғали туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси, туман ҳокими ўринбосари Феруза Орипованинг дил сўзлари билан якунланди.

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА**

Дўстлик туманида 18 та болалар боғчаси фаолият кўрсатяпти. «Бинафша» болалар боғчаси энг намунали тарбия муассасаларидан саналади. Санаторий типидаги ушбу боғчада айни кунларда 130 нафар кичкинтой тарбияланяпти. Бу ерда уларнинг саломатлигини тиклаш учун зарур шарт-шароит яратилган. Битта тунги гуруҳ, муолажа хоналари ишлаб турибди. Шифокорлар ва тарбиячиларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли кичкинтойлар яйраб тарбияланяпти.

✧✧✧

Суратларда: 1. Мактабгача тайёрлаш гуруҳи тарбиячиси Зухра Жонузоқова билан боғча мудираси Солия Қулбоевалар жажжилар даврасида; 2. Болалар боғчаси мусика залида.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ТАҚДИМОТ

«ТУЙҒУЛАР РАНГИ»

Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган таниқли шоир Турсун Алининг «Туйғулар ранги» (сайланма) китобининг тақдимот маросими юртимизда ижодкорга бўлган эътибор кучайиб бораётганини амалда исботлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда таниқли маданият намояндалари, адабиётшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, Олий адабиёт курси тингловчилари ва шоир ижодининг мухлислари иштирок этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Сирожиддин Саййид тадбирни очар экан, истиқлол ўзбек адабиётида янгидан-янги зарварақлар очаётгани, қалам аҳли фуқаролар онгу тафаккурини ўзгартириш йўлида ҳукуматимизга камарбаста эканлиги ва шоир Турсун Али ўз ижоди билан замонавий ўзбек адабиёти ривожига хизмат қилаётгани хусусида сўзлади. Шундан сўнг сўз олган ЎзМУ ўзбек филологияси факультети декани Норқул Бекмирзаев, адабиётшунослар —Иброҳим Ғафуров, Наим Каримов, Умарали Норматов, Адҳамбек Алимбеков, Азим Суюн, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мирпўлат Мирзо каби ардоқли ижодкорлар «Туйғулар ранги»нинг адабий ҳаётимиздаги аҳамияти, шакл ва маъно янгиланишлари ҳамда ижодкор ўз-ўзини тадқиқ этиш жараёнида эришган муваффақиятлар устида тўхталдилар.

Турсун Али ижодининг сарчашмаси бўлган мазкур тўплам адабий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎРМОНЧИЛИК

ДАРАХТЛАР ҳаётнинг илдизларидир

Болалигимда қайсидир фантастик китобдан ўқиган эдим: дунёнинг аллақайси бурчагидаги ҳудудларнинг бирида одамлар, жамики жонзотлар хасталикка йўлиқиб, ҳаёт-мамот кунларни бошидан кечира бошлайдилар. Шу жойда яшаётган кекса донишманд дейди: «Ўкинманглар, бу ерга барибир ҳаёт қайтади. Чунки дарахтларнинг илдизи чуқур кетган, улар бақувват, барглари эса барқ уриб турибди». Орадан анча йиллар ўтди. Қачонки ям-яшил дарахтзорларга дуч келсам хотирамда муҳрланиб қолган юқоридаги манзара ёдимга тушади. Ва дарахтларни ҳаётийлик, тирикликнинг илк нишонаси деб биламан.

Одамнинг ердан оёғи узилмаслиги, ҳаётнинг яшноқ бағри қайнаб туриши учун энг аввало инсоният замин билан биргаликда барча катта-кичик дарахтлар, ўсимликлар, майсалардан миннатдор бўлиши керак. Заминдан ташқарида ҳаво ҳам, ризқ ҳам йўқ. Европа давлатларининг бирида узоқ яшаган салобатли дарахтлар танасига эҳтиром сифатида медаль осиб қўйишаркан. Бу ҳаётнинг нимага боғлиқлигини тушуниб етган халқнинг ўзига хос маданиятидан нишона, албатта.

Юртимизда ҳам булутларни телпак янглиғ кийган томири бақувват чинорлари беҳисоб ҳудудлар, яшил туғлар каби кўкка санчилган арчазорлару ёши асрлар белини букиб қаритган сон-саноқсиз қарағайзорларга эга масканлар кўп. Биз уларни «Ўзбекистоннинг ўпкаси» деймиз. Агар шулар бўлмаганда эди, улкан иншоотларнинг баҳайбат мўриларидан ўрлаган қурумлар танглайимизга ёпишиб қоларди. Яшил дўстларимиз нафақат кўзимизга кўрк бағишлайди, балки ҳаётимизни ҳам асраб қолади. Ер юзида мувозанат бузилиб кетишининг олдини олади. Киприкчалик униб чиққан майса билан осмонини опичлаган тоғ орасидаги боғлиқлик — мувозанат фақат Яратганнинг ўзига аён.

Тоғу тошнинг ризқи бағланд. Уни кезиб ниҳол ўстирган, тошларнинг қоқ ўртасидан ёриб чиққан дарахтлар, ернинг тиниқ чеҳраси ўрмонлар билан дўст тутинганларнинг насибаси улуғ бўлади, ёмонлик кўрмайди. Чунки табиатнинг бу улуғвор қиёфасидаги қудрат шундай кишиларнинг қалбига жо бўлади. Қалбига кенглик жо кишиларнинг эса руҳи тетик, шиддати юксак келади.

Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси раҳбари Озод Пармоновнинг айтишича, бугунги кунда вилоят ўрмон хўжалиги тасарруфида 186 минг 248 гектар ер мавжуд. Шундан 55 минг 972 гектари ўрмон билан қопланган. Мутахассислар эса бир гектар ердаги арчазор 20 минг аҳолини тоза ҳаво билан таъминлашини ҳисоблаб чиқишган. Вилоятда 9 та ҳудудий ўрмон хўжалиги мавжуд. Бундан ташқари 2 та терак ва тез ўсувчи ёғочбоп дарахтлар плантацияси, 1 та ноёб кўчатлар етиштиришга ихтисослашган хўжалик фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, ўтган йили 1330 гектар майдонга турли хил дарахтлар кўчати экилиб, ўрмон ҳудуди кенгайтирилди. 500 гектарга яқин чўл саксовулзорга айлантирилди. Шу кунгача яна қўшимча 431 гектар майдонга терак ва бошқа саноатбоп дарахтлар кўчати ўтқазилиб бўлинди. Бу эса мўлжалдагидан икки баробар зиёддир.

Вилоят бўйича 4 миллион 300 мингдан зиёд табиат боғрида ноёб саналган қрим ва элдор қарағайи, можжевельник, шарқ туяси, арча, дуб, шумтол, бақатерак ва турли-туман мевали дарахтлар кўчати етиштирилди. Қирғизистон ҳамда Россиядан Тянь-Шан қарағайи, оқ қайин кўчатлари келтирилиб, маҳаллий шароитга мос равишда парвариш этилаяпти.

Озод ака келтирган факт ва далиллар моҳиятидан воҳанинг тобора мустаҳкамланиб бораётган «яшил белбоғ»и кишилар ҳаёт тарзи, вилоят иқтисодиётига ижобий таъсир қилаётганини англаш қийин эмас.

Ўрмон хўжалиги ҳудудларини айланишга чиқдик. Вақт пешинга яқинлашиб қолган эди. Машина йўл четида, боғ рўпарасида тўхтади. Кўзни қувонтирарли даражада бўй чўзган кўчатлар қаторларда бехато етилган. 20 гектардан зиёд боғнинг ҳосилга кирганини бир қарашдаёқ англаш мумкин. Озод ака машинадан тушиб боғ оралаб юрди. Ортидан эргашдим. У қаршисидаги олма дарахтига тўлиқиш билан боқаётганини, менга нимадир демоқка чоғланганини англадим. Одатда киши ўз меҳнати самарасини кўрганда ана шундай ҳолга тушади.

— Шу боғнинг барпо бўлишида бевосита хизматингиз сингган бўлса керак, — дедим.

— Бунга барча қашқадарёликларнинг меҳри сингган. Худога шукр дейман. Юртимизда тинчлик-тотувлик. Вилоятимиз халқи яхши ният қилиб бундан тўрт йил олдин Юртбошимиз номлари билан худди шундай 60 та боғ яратганди. Улуғ инсонларнинг номи билан аталгувчи боғлар ҳам файзли бўларкан. Кўз тегмасин, кўриб турганингиздай ҳамма боғларда кўчатлар тўлиқ ўсди. Боғлар ҳосилга кирди. Кишиларимиз вилоят ҳудудидаги ана шундай 680 гектарни ташкил қилган боғнинг ҳосилини татиб кўраяпти.

Одамлар Юртбоши номидаги боғ мевасини татиганидан фахрланганини кўрсам, истиқлолимиз, тинчлигимиз ҳимоячиси бўлган зотнинг халқ қалбидан чуқур жой олганидан бошим осмонга етади. Бу боғларнинг умри мангу бўлади. Истиқлолимиз ҳам ҳаёт қадар давомли. Бу боғларнинг мевасини татиб кўриш кейинги наслларимизга ҳам насиб қилади. Улар юртимиз озодлиги асосчиси номи билан аталган бу боғларни кўзга тўтиё айлайдилар, авайлаб парвариш қиладилар.

Озод ака қатъият билан, юрагидаги самимий гапларни тўкиб солди.

Мен тасаввур қилдим: айни ёз. Пишиқчилик. Қашқадарёнинг 60 та нуқтасида шиғил-шиғил мевага тўлган боғ. Илдизи ерга чуқур кетган боғ. Мевасидан эл баҳраманд боғ. Элнинг олқишига сазовор, халқнинг савобини олган боғ. Хаёлга бир фикр урилди — бу халқ яхшиликни, эзгуликни бошига кўтаради. Бу халқ ҳеч қачон яхшиликни унутмайди. Илойим, боғи ва боғри яшасин ўзбекнинг. Илойим, ўзбек эъзозлаётган Инсоннинг ҳам умр боғи гуллаб, яшнаб, ҳосил ва файзга тўлсин... Халқнинг дуоси бутундир. Халқ дуосини олганлар эса Оллоҳнинг назарида бўладилар...

— Қани юрамизми, ука?

Озод ака елкамга қўл ташлади. Мен ҳам, Озод ака ҳам тиниқ кайфият билан машинага чиқдик. Озод ака ҳайдовчига:

— Қарши ўрмон хўжалигига ҳайда, — деди.

(Давоми 4-бетда)

74 йиллик танаффусдан сўнг Перу ҳукумати яна Жаҳон молия бозорига қайтишга қарор қилди. Шу мақсадда ҳукумат 10 йилга мўлжалланган Халқаро облигацияларни муомалага чиқаришга ҳозирлик кўрмоқда.

Woll street молия экспертларининг фикрича, облигациянинг умумий ҳажми 500 миллиондан 700 миллион АҚШ долларигача етиши мумкин. Бундай тўхтамга келишнинг бир қанча сабаблари бор. Бу мамлакатда охирги йилларда иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиб кетаётгани бўлса, иккинчи томондан, Аргентина инқирози Перу ҳамда Лотин Америкасининг кўпгина давлатлари иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Чиқарилаётган облигациялар эса чет эл инвесторлари учун ишончли молиявий манба бўлади. Мамлакат молия вазири Педро Пабло Куксинскининг таъкидлашича, Перу тутган йўл тез орада ўз мевасини беради.

Камск автомобиль заводи Японияниг Kanematsu ҳамда Mitsubishi Heavy Industries корпорациялари билан ҳамкорликда двигатель ишлаб чиқарадиган корхона барпо этиш устида ишламоқда. Янги корхона 1993 йилда ёпилган мотор ишлаб чиқариш цехи ўрнида бунёд этилади. Лойиҳага Япония тарафидан 150 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилган.

Ишлаб чиқариш мўлжалланаётган янги типли двигатель «Евро-2» халқаро стандартларига тўлиқ мос бўлиб, 260-360 от кучига эга. Корхона ишга тушгандан сўнг, бу ерда йилига 80 мингта мотор ишлаб чиқарилади.

Иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, кучли рақобат, дефляция оқибатида корхоналарнинг ўз харажатларини камайтириши ёки умуман ёпилиши — буларнинг барчаси Японияда кейинги 50 йил мобайнида ишсизлик даражаси энг юқори нуқтага кўтарилишига олиб келди. Охирги олти ойни таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу кўрсаткич кетмакет ошиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Йил якунида мамлакатдаги жами ишчи кучига нисбатан ишсизлар сони 5,4 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу ойнинг охирига



келиб бу кўрсаткич 5.6 фоизга етди.

Teikoku Databank иқтисодий илмий-текшириш компанияси тарқатган маълумотларга қараганда, биргина ўтган йилнинг иккинчи чорагида 19441 та корхона банкрот деб эълон қилинган. Кескин рақобат туфайли ҳатто йирик компаниялар ҳам ишчилар сонини қисқартиришга мажбур бўлмоқда. Аксарият корхоналар эса фаолиятини чет элларда, асосан Хитойда қайтадан бошламоқда.

Япониядек мамлакатда ишсизлик муаммосини ҳал қилиш ривожланаётган ёки қолоқ давлатларга нисбатан анча мураккаб. Ривожланаётган ёки қолоқ мамлакатларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хориж сармоясини жалб қилиш, янги иш жойларини ташкил қилиш ҳамда ишсизлар малакасини ошириш йўли билан бундай муаммони ечиш мумкин. Аммо жаҳон мамлакатлари меҳнат бозори салоҳиятига нисбатан анча юқори малакали ишчи кучига эга, хориж сармоясига муҳтож бўлмаган бундай давлатда қандай чора кўриш мумкин?

Мутахассисларнинг фикрича, Япония олдида икки йўл бор. Биринчиси: иқтисодий ўсиш суръатларига эришилмаса-да ҳозирги ҳолатни иложи борича давомлироқ ушлаб туриш. Иккинчи йўл — ортиқча ишчи кучини хорижга экспорт қилишдир. Бунинг самарали томони шундаки, ҳар қандай давлатда ҳам японлардек тажрибали ҳамда интизомли мутахассисларга талаб катта.

Кеча АҚШнинг Enron энергетика корпорацияси директорлар кенгашининг янги раиси сайланди. Унга директорлар кенгаши маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келаётган Стефен Купер номзоди лойиқ топилди.

Сўнгги кезларда Enron кетма-кет мусибатларга дучор бўлмоқда. Дастлаб 16 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Кеннет Лей истеъфо берган бўлса, сал ўтмай корхона устидан жиноят иши қўзғатилди. Икки кун ўтмаёқ собиқ вице- президент Клиффорд Бакстер ўз жонига қасд қилди.

Хитойда банк соҳасидаги йирик жиноят фош қилинди. «Твенти-фест сенчури бизнес геральд» газетасининг ёзишича, мамлакат жанубидаги Гуандун вилояти банки раҳбарлари 10 йил давомида хориждаги ҳисоб рақамларига жами 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни хуфёна ўтказиб келишган.



Уяли телефон саноати соҳасидаги йирик йўқотиш АҚШнинг Motorola Inc. компанияси фаолиятида юз берди. Компания биргина сўнгги чоракда 1,237 миллиард зарар кўрган. Кучли рақобат жаҳон бозоридан Motorola Inc. маҳсулотларини сиқиб чиқармоқда. Ўтган йили компания умумий савдо айланмаси 27 фоизгача тушган бўлса, соф зарар 30,004 миллиард долларни ташкил қилган.

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

ТИББИЁТИМИЗ ГАВҲАРИ

Ватанимиз жаҳонга Абу Али ибн Сино каби улкан ҳакимларни етказиб берган табаррук заминдир. Вақтлар ўтиб, даҳо мутафаккирнинг меросини ундан кейинги шогирдлари давом эттиришди. Тиб фани академиклари Восит Воҳидов, Ўктам Орипов, фидойи устозларимиз Комил Зуфаров, Наби Мажидов, Малика Абдуллахўжаева, Муқаддам Ашрапова, Мингбой Омоновларнинг муборак номларию илм-фанимиздаги маҳоратлари бугун эларо достон. Таъбир жоиз бўлса, ажойиб ускамол инсоннинг самарали меҳнатлари, ташкилотчилиги ва фидойилиги натижасидир. Турли даражадаги Фахрий ёрлиғу ташаккурномаларни санаб адоғига етиш қийин. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач» «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонлари ҳам етук олимнинг амалий ва илмий салоҳиятига берилган эл ардоғи, юртга содиқлик сийловидир.



Фанимизнинг забардаст жонкуяри, Ватанимизнинг зукко ва фидойи ўғлони, ёшларнинг меҳрибон мураббийси Муҳаммаджон ака катта жамоат арбоби ҳам эди. У Ўзбекистон офтальмологлар жамияти бошқарувига раҳбарлик қилди, кейинги ўн йилда эса унинг фахрий раиси бўлган эди. У беш йил мобайнида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг офтальмология бўйича бош маслаҳатчиси, илмий муаммо комиссияси раиси вазифаларини сидқидилдан адо этди. Тизимнинг илмий йўналишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб, юртга садоқатини намойиш этди.

Улкан қалб соҳиби, истеъдодли олим Муҳаммаджон Комилов бугун орамизда йўқ. Аммо устознинг порлоқ хотираси, у ҳақдаги самимий сўзлар, ёдномаю эсдаликлар давра ва суҳбатларда, йиғину кенгашларда бетўхтов тилга олинаяпти ва бундан кейин ҳам айтилаверади. Зеро, устоз олимимиздан бебаҳо тажриба ва илмий хазина мерос бўлиб қолди. Юксак инсоний фазилатлар, Ватанга, истиқлолимизга садоқатнинг ажойиб намунаси эди у киши.

Сўзни мухтасар этиб мақсадга кўчадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг кўз шифокорлари жамияти ҳайъати хассос мураббий Муҳаммаджон Комиловнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида у киши ишлаган ва танилишида хизмати сингган Республика клиник офтальмологик шифохонаси ҳамда пойтахтдаги кўчалардан бирига унинг номини бериш тўғрисидаги ташаббус билан чиқиб, ғоят хайрли ишга қўл урди. Очиғи, бу даъват-хабарни эшитиб, қалбларимиз қувончга тўлди ва уни астойдил қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Бинобарин, азиз умрини элюртга бахшида этганларнинг номию иши ҳамиша сақланиб қолаверади. Устозимиз Муҳаммаджон Комилов Ватаннинг ана шундай асл фарзанди, тиббиётимизнинг ноёб гавҳари эди.

■ **Вилоят офтальмологлари номидан:**
Раҳмон МУҲАММАДИЕВ,
Сурхондарё вилояти кўз касалликлари касалхонасининг бош шифокори, Ўзбекистон Қаҳрамони

(Давоми. Боши 3-бетда)

Карши ўрмон хўжалигида асосан кўчат етиштирилар экан. Бу ердаги ҳар хил кўчатларни кўриб, тан олиш керак, айримларини билмаслигимни англадим. Оқ терак дейсизми, кўк терак дейсизми, Калифорния тераги дейсизми, шумтол, амфора, ойлан, дуб, каталпа... бари-баридан бор. Ҳар бир кўчат ўз ўрни, хусусиятига эга. Масалан, шумтол дунёда ясин номи билан машҳур. Унинг яна бир номи — заранг. Жуда саноатбоп. Неча асрлар мобайнида зарангдан ясалган дарвозалар бизгача етиб келган. Биргина мисол: Самарқанддаги улуғ бобомиз Амир Темур мақбараси эшиклари айнан зарангдан ясалган. Шу боис ўрмон саноати ривожида зарангнинг ўрни беқиёс.

Айниқса, ива дарахти харидоргирлиги билан ажралиб тураркан. Новдалари ингичка, узун-узун. Кўрсаткич бармоқдай. Сават, корзинка, турли хил манзаралар, гулдонлар ясалади. Каталпа дарахтининг мўъжизавий кўриниши ақлингизни шоширади. Лагандай-лагандай баргларининг тиниқлиги, титраб-жимирлаб туриши баҳри дилингизни очади. Унга боқиб табиат нақадар мўъжизалар кони эканки, бу борлиқда оқиллик билан иш юритган инсоннинг туйғуларини эзгулик нури билан чароғон этажак гўзаллик рамзлари бениҳоялигини ҳис қиласиз.

ДАРАХТЛАР ҳаётнинг илдизларидир

Ўрмон хўжалиги деганда фақатгина тоғлар, далаларда қад ростлаган дарахтлардан иборат манзаралар билан бирга нафосатга тўлиқ гўзалликни ҳам англаб етасиз. Қарши ўрмон хўжалиги истиқлолнинг бешинчи йилида қайта ташкил топди. 160 гектар ўрмон, 36 гектар саноатбоп теракзор, 20 гектардан зиёд кўчатхона мавжуд. Касби, Баҳористон ҳамда Қаршидаги ер майдонларини қўшиб ҳисоблаганда 1 минг 52 гектарни ташкил қилади. 50 турдан ошиқ, 5 миллиондан зиёд кўчат етиштирилади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан бели бақувват, келажаги нурли корхоналаридан бири — Шўртан газкимё мажмуаси. Мазкур иншоотнинг халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақи учун мислсиз аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз. Ғузор туманига қарашли саҳро ҳудудида жойлашган бу корхона атрофини яшиллик ўраб турганини кўрган ҳар қандай кишининг ҳайрати тошиши, шубҳасиз. Шу туфайли иншоот атрофида шаҳарча пайдо бўлди. Бу ерда ишлайдиган кишилар учун соясалқин, шабада зарур.

Шу мақсадда мажмуа теграсида 450 гектар ер кўкаламзорлаштирилди. Мевали ва манзарали дарахтлар бўй кўрсатди. Бу осонликча бўлмади. Ер тузилиши ноқулай эди. Қаттиқ жинслар, гипснинг кўплиги кўчатнинг илдиз отишига халал беради. Бу жойда бир туп кўчатни парваришлаш не бир машаққатларни талаб қилмайди. Дастлаб ўра қазиш учун бир йил мобайнида сув қуйиб ер юмшатилди. Шундан сўнг ўрага гўнг ташланди. Темир-бетон орқали сув олиб келинди. Ҳар бир ниҳол ўсиши учун ўрмончилар барча саъй-ҳаракатни ишга солишди.

Тасаввур этинг: қаттиқ гипс, чўл, биёбон. Ёзи ёндиради, қиши совуқ. Қум-тўзон ўйнагувчи саҳрода шовуллаган ўрмон пайдо бўлди. Атрофи бетон тўсиқлар билан ўралган корхона теграси 38 қатордан иборат манзарали дарахтлар билан тўсилган. Бу қаторлар, яъни яшил деворларга урилган жазираманинг олов сели ҳаёт шамолига айланади. Бундай саҳрода калифорния тераги, қайрағоч, шумтол, можжевельник сингари дарахтларнинг қад ростлаши инсон иродасининг барча қийинчиликлар олдида дош бериши, тобланиши намунасидир. Вилоят ўрмончилари бунгача бу ердаги ҳар бир кўчатни ўз фарзандидай азиз тутди. Парваришлади. Шунингдек, мажмуа атрофидаги 4600 гектардан зиёд биёбон саксовулзорга айлантирилди. Хуллас, бу ерда эндиликда 10000 гектар ерни ўрмонга айлантириш кўзда тутилган.

Вилоят ўрмон хўжалигига қарашли майдонларда бугунги кунда «Қизил китоб»га кирган ўсимлик ва ёввойи ҳайвонлар кўп учрайди. Бундан ҳам саноат тараққиёти, ҳам табиатнинг бардавомлиги учун ўрмонларнинг таъсири ниҳоятда юксак эканлигини англаш кифоя. Айниқса, ўрмонлар бағрида ўсган доривор ўсимликлар бугунги кунда мазкур тармоқ равнақида муҳим аҳамиятга молик.

Бундан ташқари мазкур ҳудудда яшовчи аҳолининг ижтимоий таъминоти ҳам асосий масала. Газ, сув, электр тармоқлари иши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Хўжаликда ёғоч маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Янги иш ўринлари ташкил топаяпти.

Хуллас, ўрмонлар билан танишиш киши қалбида табиатга ошно бўлиш туйғусини оширади.

Баъзи ёзганларимизда рақаму фактлар устунлик қилиб қолади. Шунда мен кўнглимиз, идрокимиз орқали воқелик билан тўлиқ муносабатга кириша олмадикми, ўқувчига сўзимиз моҳиятини етказолмадикмикин, деб чўчийман. Бу гал Қашқадарё ўрмонлари, айниқса, замину осмон оралиғидаги яшил тириклик хусусида ёзарканман, она Ўзбекистонимизнинг бағри мўъжиза ва сеҳрга тўла деган хулосага келдим. Сафардан қайтаётиб вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси раҳбари Озод Пармоновнинг: «Ўрмонларда сокинлик бор. Бу сокинлик кишига ҳаётнинг мазмунини ўргатади. Кафтдек ерга яшиллик инса ўша ерда ҳаёт давом этади», — деган гапи кўнглимга ўрнашиб бораётганини сездим.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ 4-СОНЛИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ АВТОКОРХОНА ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЮК ТАШИШ ФАОЛИЯТЛАРИ БЎЙИЧА 1996 ЙИЛ 9 СЕНТЯБРДА — 5 ЙИЛ МУДДАТГА ОЛИНГАН ЛИЦЕНЗИЯ ВАРАҚАЛАРИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ САБАБЛИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1. АТ № 0001201 сонли шаҳарда юк ташиш фаолиятининг лицензия варақалари:

Т.Б.	Т.воситаси русуми	Давлат белгиси	Варақа рақами	Т.Б.	Т.воситаси русуми	Давлат белгиси	Варақа рақами
1.	Камаз-5320	06-16 ддл	0052601	14.	Газ-52-27	77-11 ддл	0052546
2.	«-»	16-31 ддл	0052593	15.	Газ-53-27	03-50 сим	0052756
3.	«-»	15-88 ддл	0052591	16.	«-»	12-45 ддл	0052757
4.	«-»	77-65 ддл	0052588	17.	«-»	37-03 ддл	0052761
5.	Камаз-5511	77-20ддл	0052584	18.	Зил-138 А	76-95 ддл	0052532
6.	«-»	71-01 ддл	0052579	19.	Зил-554 М	77-14 ддл	0052525
7.	Камаз-5320	76-96 ддл	0052563	20.	Зил-45021	76-88 ддл	0052521
8.	Маз-5549	24-57 ддо	0052555	21.	«-»	79-14 ддл	0052519
9.	Маз-5334	43-09 ддг	0052554	22.	«-»	16-89 ддл	0052513
10.	Иж-2715	04-26 ддл	0052550	23.	«-»	38-43 ддв	0052512
11.	Газ-5204	12-59 ддг	0052552	24.	«-»	63-57 сил	0052500
12.	«-»	12-80 ддг	0052553	25.	«-»	30-84 ддл	0052504
13.	«-»	53-31 ддв	0052548				

2. АТ № 0001202 сонли шаҳар атрофи ва шаҳарлараро юк ташиш фаолиятининг лицензия варақалари:

Т.Б.	Т.воситаси русуми	Давлат белгиси	Варақа рақами	Т.Б.	Т.воситаси русуми	Давлат белгиси	Варақа рақами
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Камаз-5320	68-55 ддл	0052679	32.	Газ-5312	80-49 ддл	0052724
2.	«-»	15-84 ддл	0052686	33.	Зил-45021	41-68 ддл	0052726
3.	«-»	15-88 ддл	0052687	34.	Зил-130	68-24 сил	0052727
4.	«-»	68-19 ддл	0052689	35.	Газ-526/в	23-32 ддо	0052729
5.	«-»	77-65 ддл	0052690	36.	Уаз-3303	92-02 ддв	0052730
6.	Камаз-5511	71-01 ддг	0052699	37.	Зил-554М	03-38 сим	0052731
7.	Камаз-55102	69-87 сил	0052719	38.	Зил-45021	61-47 ддг	0052733
8.	Камаз-5320	76-96 ддл	0052713	39.	Камаз-5320	55-18 ддг	0052734
9.	«-»	77-59 ддл	0052714	40.	Маз-5549	76-81 ддл	0052735
10.	Маз-64229	38-55 ддл	0052717	41.	Газ-3507	37-05 ддл	0052737
11.	Маз-5549	24-57 ддо	0052719	42.	Камаз-5511	16-65 ддл	0052738
12.	Маз-5334	43-09 ддг	0052721	43.	Камаз-5320	16-73 ддл	0052739
13.	Газ-5204	12-59 ддг	0052751	44.	Камаз-5511	36-96 ддл	0052740
14.	«-»	12-80 ддг	0052752	45.	Зил-554М	11-44 ддд	0052741
15.	«-»	53-31 ддв	0052753	46.	«-»	20-19 ддл	0052743
16.	Газ-5227	77-11 ддл	0052755	47.	«-»	65-29 ддл	0052744
17.	Газ-5327	03-50 сим	0052756	48.	Зил-45021	12-55 ддл	0052746
18.	«-»	12-45 ддл	0052757	49.	«-»	46-24 ддг	0052747
19.	«-»	37-03 ддл	0052761	50.	«-»	42-11 ддг	0052749
20.	Газ-53 в/в	65-18 сил	0052765	51.	Маз-5549	75-83 ддл	0052610
21.	Зил-554М	26-13 ддл	0052777	52.	«-»	97-28 ддв	0052612
22.	«-»	77-14 ддл	0052778	53.	«-»	64-97 ддл	0052614
23.	Зил-45021	76-88 ддл	0052782	54.	Камаз-5320	18-37 ддл	0052615
24.	«-»	67-51 ддг	0052786	55.	«-»	64-92 ддл	0052616
25.	«-»	16-89 ддл	0052790	56.	Камаз-5410	18-40 ддл	0052617
26.	«-»	38-43 ддв	0052791	57.	«-»	45-36 ддг	0052618
27.	«-»	41-23 ддл	0052798	58	Газ-526/в	65-01 ддл	0052623
28.	«-»	30-84 ддл	0052803	59.	Иж-2715	15-35 ддл	0052625
29.	«-»	38-68 ддл	0052805	60.	Уаз-3303	48-71 ддл	0052627
30.	«-»	79-69 ддл	0052806	61.	Зил-45021	09-47 ддл	0052628
31.	«-»	80-16 ддл	0052808	62.	«-»	09-48 ддл	0052629
1	2	3	4	5	6	7	8
63.	Зил-45021	15-85 ддл	0052630	73.	Зил-45021	42-12 ддг	0052648
64.	«-»	63-58 сил	0052632	74.	«-»	64-53 ддг	0052650
65.	Маз-504В	61-99 ддл	0052634	75.	«-»	68-16 сил	0052651
66.	Камаз-55111	77-58 ддл	0052637	76.	«-»	68-17 сил	0052652
67.	Камаз-5320	68-19 ддл	0052640	77.	Камаз-5511	46-96 ддг	0052654
68.	Камаз-5410	24-20 ддл	0052641	78.	«-»	41-48 ддл	0052660
69.	«-»	11-94 ддл	0052642	79.	К-5320	93-81 ддл	0052666
70.	«-»	06-17 ддл	0052643	80.	Зил-45021	47-34 ддг	0052668
71.	Газ-526/в	01-52 сим	0052645	81.	К-55102	68-90 ддл	0052710
72.	Зил-554М	01-51 сим	0052647				

МУТОЛАА ЗАВҚИ

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИСИНИНГ СУВРАТИ

Маълумки, 1917 йилда машъум тўнтариш юз берди. Аммо аҳвол ўзгармади. Аксинча, мустамлакачиликнинг шаклу шамойили янгича тус олди, холос.

Бу ҳақда таниқли журналист ҳамда адабиётшунос олим Мажид Ҳасаний «Икки ўт орасида» асарида ғоят таъсирли ҳикоя қилади.

Биласиз, унинг ушбу китобидан ўрин олган «Йўл бошида» номли қиссаси, тарихий очерк ва публицистик мақолалари атоқли давлат ва жамият арбоби Файзулла Хўжаевнинг мураккаб ҳаётини давр воқеалари билан омуҳталаштириб ифодалайди. Пировардида содда ва сабрли элимиз найрангбоз сиёсатчилар томонидан алданганлигини тарихий далиллар билан кўрсатади.

Воқеий қиссанинг «Қоғоз кемачалар» фасли ёш Файзулланинг Москвага қилган илк сафарини тасвирлаш билан бошланади. Кейин... кейин ўқувчининг кўз ўнгида ажиб бир «сакраш» рўй беради. Бу «сакраш» оддий ўспириннинг тез орада давлат арбоби даражасида намоён бўлиши эди. Зеро, 22 ёшли йигитнинг «Ёш бухороликлар» партиясига раҳбарлик қилиши чиндан ҳам балоғат чоғларини улуғ мақсадлар учун қурашиб ўтказганлигини билдиради. Бинобарин унинг шуърида бою бадавлат бўлиб яшашдан кўра, «Халқ билан бирга кулиб, бирга йиғлаш ҳар нарсадан устун», деган қатъий фикр пайдо бўлади. Унинг бу тушунчаси онаси Райҳонабонунинг «Болам, сиз ким бўлишингиздан қатъи назар халқдан узилманг. Халқ назаридан четда қолманг. Бойлик, амал мангу бўлмайди», деган ўгитлари билан суғорилганди.

Шу ўринда Файзулла ва унинг отаси Убайдуллахўжаларнинг Москвага сафар қилиши бўлғуси жамоат арбобининг ҳаётида муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Аслида ҳам отанинг мақсади ўғлига дунёни кўрсатиш эди. Фарзандини ўзидан, онасидан беш йиллар йирокда туришидан мақсад ҳам уни кўпроқ билим олишини таъминлашдан бошқа нарса эмасди. Аммо отанинг орзулари бутунлай бошқача тарзда рўёбга чиқди. Савдогар бўлиши назарда тутилган фарзанд инқилобчи бўлиб вояга етди.

Россия империясининг йирик шаҳри хусусидаги тасаввурлар Файзуллани бутунлай қамраб олганди. Унга янги, ҳали кўп жиҳатлари билан номаълум бўлган олам тинчлик бермасди. Шу боис ўзига бегона ва отасининг ўзгуқун тилидан қўймаётган дунёси билан юзланишга ошиқарди.

Асарнинг энг муҳим жиҳати, 1918 йилнинг баҳорида рўй берган «Колесов воқеаси»ни бадиий маҳорат ила ифодаланганлигидир. Мазкур воқеа ҳақида муаллиф ушбу китобдан ўрин олган «Икки ўт орасида» фаслида шундай ёзади: «Бухоро тарихида «Колесов воқеаси» номи билан аталмиш машъум кўзғалиш 1918 йилнинг баҳорида содир бўлди. Афсуски Бухоро халқи ҳаётида асоратли из бўлган ва «қонли якшанба»ни эслатувчи фожиа ҳамон ўз баҳосини олган эмас». Шу пайтгача ҳеч ким ўша пайтда Бухорода содир бўлган бу фожеа тафсилотини ёзишга жазм қилган эмас, қачонки истиқлол тонги отгачгина Мажид Ҳасани бу ишга қўл урди.

Қиссада «Большевиклар нияти Бухорони ер билан яксон қилиб, унинг халқини битта ҳам қолдирмай қириб ташлаш эвазига мақсадларига эришишни ахд қилгани» ҳақида рўй-рост чизгилар бор. Айниқса, М.Фрунзе ҳамда В.Куйбишевларнинг қилмишларини фош этувчи деталлар фаслнинг асосини ташкил этган.

Китобдан ўрин олган «Хазон бўлган умидлар» номли фаслда: «У (Файзулла) инқилоб раҳбарларини (Фрунзе ва Куйбишевлар назарда тутилмоқда) махсус меҳмонхонага таклиф этганда, ҳар иккиси: «Биз шу ерда амир Аркида ётиб қоламиз», деб жавоб беришган. Кейинчалик маълум бўлишича, М.Фрунзе бошчилигида қизил гвардиячи ниқобидаги туновчилар туни билан амир хазинасини ўмариб, барча ўлжани шаҳар ташқарисига олиб чиқишган, Фрунзе ва Куйбишев бу воқеадан хабар топган Файзулла Хўжаевга хазинани амир одамлари ўғирлаб кетганлиги тўғрисида сохта хабар берган. Эртаси тонгда 13 вагонга амир хазинасидаги олтинлар, олтин буюмлар, тарихий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо ашёлар Петроградга жўнатилган» деган сўзлар бор.

Хуллас, мазкур китобда илгари ошкор этилмаган талай гаплар бор. Муаллиф уларни қоғозга туширишга фақат истиқлол туфайлигина эришди.

■ **Маҳкам МАҲМУД,**
Саййид ОЛИМ

Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши «Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ партия ташкилоти котиби С.Х.Азизовга волидаи муҳтарамаси **Ойимширин ХЎЖАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг бош таҳририяти жамоаси нашриётнинг собиқ муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир **Аъзам ЎКТАМ (Аъзамжон Худойбердиев)**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

☺ ХАНДАЛАР ☺

ХИЗМАТКОРНИНГ ЯРМИ

Бир инглиз лорди саёҳатга чиққан экан, бир вақт поезд тўқнашиб кетибди. Лорд ташқарига отилиб, кўкатлар устига тушибди. Ҳаммаси остинустун бўп кетганидан сўнг, ёрдамчи-қутқарувчилар, ўша поезд ходимлари у ёқ-бу ёққа югуриб, ниҳоятда лорднинг теппасига келишибди. У кўзини очиши ҳамоноқ, хизматкорини сўрабди.

— Кечирасиз, сизга ҳамдардлик билдиришимиз лозимки, хизматчингиз поезд остида қолиб, иккига бўлиниб кетибди, — деб жавоб беришибди унга.

Лорд эса жаҳл билан:

— Э, ҳамдардлик билдириш қочмайди. Иложи бўлса, тезроқ менга хизматкорим жасадининг киссасида уй калитларим, ҳужжат ва чек қоғозларим бўлган қисмини топиб келтиринг, — дебди.

ШАҲЛО КЎЗ ХОНИМ

Девоншир герцогли соҳибаси Н. хонимнинг кўзлари бениҳоя гўзал ва ёниб, порлаб тураркан.

Ҳатто бир куни порт кўрфазидаги денгизчи офицерлардан бири хонимдан ҳеч ҳам кўз узолмай қолиб, беихтиёр бундай дебди:

— Мумкинми, хоним, бир илтимосим бор, — дебди.

— Қандоқ илтимос экан? Майли, айтинг? — дебди хоним.

— Мен ўз трубкамни мана шу ёнувчи кўзларингиздан таралаётган алангага яқинлаштириб, тутатиб олсам, деб илтимос қилмоқчийдим.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi - 21.20
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA